



THE AUTHOR'S STYLE IN THE WORK "SHARH MUSHKILOT AL-QUDURIY" AND SOME ERRORS IN THE TEXT

Yesengeldi Nizamatdinov

Research Institute of Natural Sciences of Karakalpakstan

Base doctorate in the Department of History

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Karakalpak Branch

nizamitdinov.e@gmail.com

Nukus, Karakalpakstan

ABOUT ARTICLE

Key words: Sharh Mushkilot al-Quduriy, fiqh, commentary style, methodological errors, scientific interpretation, historical sources, legal heritage, religious-cultural tradition.

Received: 19.09.25

Accepted: 20.09.25

Published: 21.09.25

Abstract: This article analyzes the content of the work "Sharh Mushkilot al-Quduriy", the scientific-methodological approach applied by the author, and his methods of interpretation. Furthermore, it examines certain methodological and substantive errors found in the text, their causes, and their significance for further research. The conclusions are drawn on the basis of source analysis, comparative-methodological approach, and historical investigations.

"ШАРҲ МУШКИЛОТ АЛ-ҚУДУРИЙ" МУАЛЛИФИНИНГ АСАРДА ТУТГАН УСЛУБИ ВА АСАРДАГИ АЙРИМ ХАТОЛАР

Есенгелди Низаматдинов

ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими

Қорақалпоқ табиий фанлари илмий-тадқиқот институти,

тарих бўлими таянч докторанти

nizamitdinov.e@gmail.com

Нукус, Қорақалпоғистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шарҳ Мушкилот ал-Қудурий, фикҳ, шарҳ услуби, методологик хатоликлар, илмий талқин, тарихий манбалар, ҳуқуқий мерос, диний-маданий ан'ана.

Аннотация: Мазкур мақолада "Шарҳ Мушкилот ал-Қудурий" асарининг мазмуни, муаллиф томонидан қўлланган илмий-услубий ёндошув ҳамда унинг талқин усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, асарда учрайдиган айрим методологик ва мазмуний хатоликлар илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилиб,

уларнинг сабаблари ҳамда кейинги тадқиқотлар учун аҳамияти ёритилган. Тадқиқот давомида манбалар таҳлили, киёсий-услубий ёндошув ва тарихий изланишлар асосида хулосалар ишлаб чиқилган.

СТИЛЬ АВТОРА ПРОИЗВЕДЕНИЯ “ШАРХ МУШКИЛОТ АЛ-КУДУРИЙ” И ОТДЕЛЬНЫЕ ОШИБКИ В ТРУДЕ

Есенгелди Низаматдинов

Каракалпакское отделение АН РУз,

Научно-исследовательский институт естественных наук Каракалпакстана, базовый докторант отдела истории

nizamitdinov.e@gmail.com

Нукус, Каракалпакстан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Шарх Мушкилот ал-Кудурий, фикх, стиль комментария, методологические ошибки, научная интерпретация, исторические источники, правовое наследие, религиозно-культурная традиция.

Аннотация: В данной статье анализируется содержание произведения «Шарх Мушкилот ал-Кудурий», научно-методологический подход автора и его интерпретационные методы. Кроме того, рассматриваются некоторые методологические и содержательные ошибки, встречающиеся в труде, их причины и значение для последующих исследований. В ходе исследования сделаны выводы на основе анализа источников, сравнительно-методологического подхода и исторических изысканий.

Кириш. Янги Ўзбекистонда юртимизнинг буюк тарихи ва улуг маданиятини тиклаш, етук олим-у уламоларимиз, авлиё-ю донишмандларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини, асарларини ҳар томонлама теран ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжо ва зиёрат ўринларини қайта тиклаш ва обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилди ва узвий давом эттирилмоқда.

Асосий қисм. Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу борада нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ғоят ноёб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган қўлёзмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, ушбу нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари олдида қўлёзмаларни сақлаш, таъмирлаш, мавжуд фондларни бойитиб бориш, тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга қулай шароитлар яратиш, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш бўйича долзарб вазифалар турганини алоҳида таъкидлаш лозим[1].

Мана шундай вазифалар олдида Республикаимизнинг бир қатор илмий тадқиқот марказларида тадқиқотчилар томонидан тарихимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган қўлёзма ва тошбосма манбаларни ўрганиш изчил давом этмоқда. Албатта, бундай манбалар ўзининг ёзилиш даврларига ва ҳудудларига боғлиқ турли услуб ва йўналишларга эга.

Биз ҳам мазкур долзарб ва аҳамиятли фаолиятнинг бир қисми бўлиш ниятида Ўзбекистоннинг ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида яшаб ижод қилган фақиҳ олим Бадруддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Кардарийнинг “Шарҳ мушкилот ал-Қудурий” асарини ўрганмоқдамиз. Ушбу мақолада Имом Қудурий қаламига мансуб “Мухтасар ал-Қудурий” матнига Бадруддин Кардарий томонидан ёзилган “Шарҳ мушкилот ал-Қудурий” асарида шориҳ тутган услуби таҳқиқ қилинади ва асардаги баъзи жузъий камчиликлар санаб ўтилади.

“Шарҳ мушкилот ал-Қудурий” асарининг қўлёзма нусхаларини ўрганиш натижасида шориҳ Бадруддин Кардарий “Мухтасар ал-Қудурий” матнини шарҳлашда қўйидаги услублардан фойдаланган:

1. Китобни китобларга ва бобларга бўлган. Албатта, бу услуб фикҳий матнларнинг деярли барчасида учрайди. Матнларга шарҳ сифатида ёзилган асарларда эса мавзулар китоб ва бобларга ажратилмаган асарларни топа олмайсиз.

2. Боблар ўртасидаги боғлиқликни, ҳатто, у узок боғлиқлик бўлса ҳам, алоҳида баён қилади. Масалан, Каъба ичида намоз ўқиш боби билан ундан олдинги шаҳид боби ўртасидаги узок боғлиқликларни ҳам зикр қилиб қуйидагича келтиради: Қабр омон сақловчидир, чунки агар маййит қабрга қўйилмаса, инсонлар маййитларнинг ҳидидан азиятланишар эди. Каъба ҳам “Кимки унга кирса омонликда бўлади”[2] оятига кўра омон сақловчидир. Бу ерда шориҳ шаҳиднинг қабрга қўйилиши ва каъбага намоз ўқиш учун кириш ўртасини омонлик билан боғлаш орқали шаҳид ва каъбадаги намоз бобларини боғламоқда. Шу билан бирга каъбада намоз ўқиш бир томондан каъбага юзланиш бўлса, бошқа томондан юз ўгиришдир. Шаҳид ҳам худди шундай Аллоҳ таоло наздида тирик,

инсонлар наздида ўликдир[3]. Бу ерда ҳам шорих бобларнинг боғлиқлигини жуда узок сабаб билан кўрсатмоқда, у ҳам бўлса, иккита бобдаги масалада ҳам иккита жиҳат борлигидир.

3. Матндаги баъзи масалаларни тушунтириб, баъзиларини тушунтирмасдан қолдиради. У матндаги барча масалаларни ҳарфма-ҳарф шарҳламайди. Шунинг учун ҳам китобини “Қудурийнинг мушкулларига шарҳ” деб номлаган. У мушкул ёки тушунмовчилик туғдирадиган масалаларни тушунтирган ва аниқ бўлганларини ташлаб кетган.

4. Шарҳда китоблар ва боблар бўйича матннинг кетма-кетлигига амал қилади. Бирок китоб ичидаги масалаларни тушунтиришда матннинг кетма-кетлигига риоя қилмайди. Масалаларни олдинга ёки орқага суриши мумкин, бу эса таҳқиқ жараёнидаги мураккабликлардан биридир.

5. Масаланинг бир ёки икки-уч жумласини келтириб, уни шарҳлашни бошлайди, лекин масалани тўлиқ баён қилмайди. Шунинг учун ҳам мазкур шарҳни ўқиш илмда адно бўлган кишилар учун мураккаб ҳисобланади.

6. Матн ичида форсча сўзларни зикр қилади, лекин уларнинг форсча сўз эканлигини қайд этмайди. Шу сабабли, сўзнинг арабча бўлиб хатога учрагани ёки форсча эканлигини текширишда қийинчиликка дуч келиш мумкин. Бундан ташқари бундай сўзларни таржима қилишда кўлёзма нусхаларида сўзнинг ёзилиши ҳар хиллиги бир муаммо бўлса, форсча сўзлар араб ҳарфларида ёзилган, аммо луғатларда улар форсча ҳарфлар билан берилганлиги яна бир қийинчилик келтиради. Чунки, бундай сўзларни луғатлардан излаб топиш мураккаб.

7. Шорих ҳанафий мазҳаби доирасидаги ихтилофларни баён этади. У кўпинча имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасаннинг фикрларини зикр қилади. Баъзан Зуфар ёки Ҳасан ибн Зиёд каби бошқа уламоларнинг фикрларини ҳам келтиради, лекин уларнинг ўртасида бирон-бир тарафни афзал кўрганлигини зикр қилмайди.

8. Шофеъий раҳимахуллоҳ билан бўлган ихтилофни кўп зикр қилган, бу эса ҳанафий ва шофеъий мактаблари ўртасидаги рақобат руҳи, шунингдек, уларнинг кўпгина шогирд ва уламолари сабабли мунозара ва раддияларнинг кўпайгани билан боғлиқ.

9. Шунингдек, у имом Молик билан бўлган ихтилофни ҳам баъзан келтириб ўтади. Эҳтимол, имом Моликнинг фикрини кўп тилга олмаганининг сабаби, муаллиф яшаган Форс, Хоразм ва Бухоро ўлкаларида моликий мазҳабининг тарқалмагани, бундан ташқари унинг атрофида бу мазҳабнинг манбалари ва ушбу мазҳаб уламолари кам бўлганлигидир. Шофеъий мазҳабига нисбатан эса, аксинча.

10. Ҳанафийлардан нақл қилишда аниқ ва саҳиҳ манбалардан келтиради. Шунингдек, шофеъийлардан ҳам шундай нақл қилади, лекин ушбу китобни таҳқиқ қилган баъзи замонамиз олимлари шофеъийлик мазҳабига оид келтирган маълумотларда баъзи камчиликларни зикр қилган[4].

11. Баъзан Имом Шофеъийга нисбатан маълум бир масалада фикрни нисбат беради, аммо у фикр Имом Шофеъий эмас, балки ундан кейинги шофеъий уламоларнинг гапи бўлиши мумкин. Масалан, ҳажда жимов(яқинлик) қилиш масаласида.

12. Истиҳсон ҳақида кўплаб масалаларда зикр қилган, бу эса ҳанафий уламоларининг маҳоратли ва ажралиб турган жиҳатларидан биридир.

13. Муаллиф ханбалийларга нисбатан фақат бир фикрни тилга олган, уларни “асҳобул ҳадис” деб атаган. Бу фикр ҳаждаги “ов ҳайвонлари”ни ўлдириш масаласида бўлган.

14. Муаллиф зоҳирийлик мазҳабининг имоми бўлган Довуд Исфҳоний ҳақида битта фикр келтиради, у ҳам бўлса ҳаж пайтида ов ҳайвонларини ўлдириш масаласида.

15. Айрим масалаларни фойдали ва қизиқарли суҳбат шаклида баён қилади. Унда “Агар биров шундай деса” деган савол ёки қарама-қарши шубҳани келтириб, бу борада “Биз айтамизки” деб жавоб беради.

“Шарҳ мушкілот ал-Қудурий” асарининг қўлёзма нусхаларини ўрганиш асносида шориҳ Бадруддин Кардарий томонидан қўлланилган усуллардан бизга маълум бўлганлари шуларан иборат. Бундан ташқари асарни ўрганиш мобайнида шориҳ томонидан йўл қўйилган баъзи камчилик ва хатоларни ҳам ушбу мақоламизда келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бундай камчилик ва хатолар жуда кам ва уларни тўртта қисмда айтиш мумкин:

1.Имом Шофеъийдан айрим масалаларни тўлиқ бўлмаган шаклда нақл қилиш. Масалан, саждаи саҳв боби доирасида намоз ракаатлари сонида шубҳаланиш масаласида Имом Шофеъийнинг фикрини “истикбол” (яъни, бошидан қайта бошлаш) деб қайд қилган[5]. Аслида эса шофеъийлик мазҳабида бу масалада баён ва тафсилот мавжуд. Тўғри, агар намоз ракаатлари сонида шубҳаланиш намоз тутагандан кейин бўлса, “истикбол” қилади. Лекин, намоз ичида бўлса шофеъийлик мазҳабига кўра учта сўз мавжуд. Шориҳ эса умумий ҳолатда имом Шофеъий “истикбол” деганлигини нақл қилади. Яъни имом Шофеъийнинг ушбу масаладаги гапларини батафсил, тўлиқ нақл қилмаган.

2. Агар камчилик сифатида зикр қилиш мумкин бўлса, шориҳ кўпинча ҳадисларни маъноси билан нақл қилади.

3. Асарларни нақл қилишда аниқликка риоя қилмаган. Масалан, саҳоба ва тобеинлардан келтирилган баъзи асарларни Расулуллоҳдан (ﷺ) нақл қилинган деб кўрсатади. Аслида эса бу асарлар мавкуф (яъни саҳобагача тўхтаган) ёки мактуъ (яъни

тобеингача тўхтаган) ҳисобланади. Баъзан ҳадисни бир саҳобага нисбат беради, аслида эса у бошқа саҳобадан нақл қилинган бўлади. Масалан, ҳаж ҳақидаги “сиқл” ҳадисини Ибн Умардан келтирган, ҳолбуки, бу ҳадис Ибн Умардан эмас, балки Умар (розияллоху анху) дан ривоят қилинган[6].

4. Ҳаж китоби доирасида Аллоҳ таолонинг сўзини: “Ҳаж — Арафотдир” деб келтирган. Аслида бу Қуръон ояти эмас ва ҳадиси қудсий ҳам эмас, балки набавий ҳадисдир.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, “Шарҳ мушкилот ал-Қудурий” асарида шориҳ Бадруддин Кардарий қўллаган услубларнинг баъзилари ўзига хос бўлса, баъзилари бошқа асарларда ҳам кўп учрайди. Лекин шориҳ қўллаган услублар асардан қасд қилинган мақсад ҳосил бўлишига тўла хизмат қилган.

Асардаги камчиликларга келсак, Аллоҳ мукаммалликни фақат Ўзининг муборак Китобигагина хос қилди. Асрлар давомида ва ҳар хил илмларда бирор камчиликдан холи бўлган китоб мавжуд эмас. Бу эса мазкур асарларни ўрганувчилар учун тадқиқ ишини бажармаслик ёки уларга бепарволик қилиш учун асос бўла олмайди. Балки биз бор имкониятимиз билан ҳаракат қиламиз ва биздан кейин бошқалар камчиликларни тўлдиради ва тузатади, дея изланишлар олиб бораверамиз.

Биз ўрганаётган мазкур асардаги хатолар муаллифнинг қадр-қимматини ва илмий мақомини асло туширмайди. Зеро, хато ва камчиликлар Каломуллоҳдан бошқа ҳар қандай китобда бешак мавжуддир.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2017 йил 24 май, ПҚ-2995-сон

2. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: “Munir” нашриёти, 2021. Оли Имрон сураси, 97-оят. – Б.65.

3. Муҳаммад ибн Маҳмуд Бадруддин Кардарий. Шарҳ мушкилат ал-Қудурий / Аҳмад Рошид Муҳайлибий, Муҳаммад Умар Утайбий ва Саъд Мужбил Товиллар таҳқиқи. – Риёз: Ат-турос аз-заҳабий, 2017. 1-жуз. – Б.330.

4. Муҳаммад ибн Маҳмуд Бадруддин Кардарий. Шарҳ мушкилат ал-Қудурий / Аҳмад Рошид Муҳайлибий, Муҳаммад Умар Утайбий ва Саъд Мужбил Товиллар таҳқиқи. – Риёз: Ат-турос аз-заҳабий, 2017. 1-жуз. – Б.330.

5. Муҳаммад ибн Маҳмуд Бадруддин Кардарий. Шарҳ мушкилат ал-Қудурий / Аҳмад Рошид Муҳайлибий, Муҳаммад Умар Утайбий ва Саъд Мужбил Товиллар таҳқиқи. – Риёз: Ат-турос аз-заҳабий, 2017. 1-жуз. –Б.26.

6. Муҳаммад ибн Маҳмуд Бадруддин Кардарий. Шарҳ мушкилат ал-Қудурий / Аҳмад Рошид Муҳайлибий, Муҳаммад Умар Утайбий ва Саъд Мужбил Товиллар таҳқиқи. – Риёз: Ат-турос аз-заҳабий, 2017. 1-жуз. –Б.27